



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 32
(952)
2025 йил
14 август,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета



ХАЛҚ БИЛАН ҲАМКОРУ ҲАМНАФАС

2024 йил 26 август куни имзоланган «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонида ижтимоий фойдали дастурлар самарадорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Фармон ижроси доирасида 2025 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан амалий ишлар бошлаб юборилди. Бу санага 1 йил тўлмоқда.

Фармонда давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришда уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш, жамият манфаатлари ва аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини кўзлаган, жойларда сақлаиб қолаётган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиши таъкидланган эди. Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни, фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашиш йўлида таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатиши ҳам устувор вазифалардан бири сифатида кўрсатилган.

Фармонга мувофиқ бир календарь йилда банк ҳисобварақларида пул айланмаси бўлмаган жамоат фондлари учун ушбу календарь йилда ўз фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш ихтиёрий тартибда амалга оширилмоқда. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ижтимоий

буюртма бериш бўйича танловлар ташкил этади. Бунда танловлар устувор равишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга мурасасиз муҳитни шакллантириш ҳамда таълим, тиббиёт, экология, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг энг долзарб муаммолари ечимига қаратилаётгани эътиборга молик.

Фуқаролик жамияти институтларига тегишли соҳа ва тармоқларда мавжуд муаммоларнинг таъсирчан ечимини назарда тутувчи ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида манфаатдор давлат органига таклиф киритиш ҳуқуқи берилди. Бунда ташаббусли лойиҳа белгиланган тартибга мувофиқ давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан ижобий баҳоланган тақдирда, унинг ташаббускорига давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли билан ижтимоий буюртма берилиши мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)



ЗАМОНАВИЙ АГРОМАЖМУАЛАР – ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТНИ ОШИРИШ КАЛИТИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, етиштирилаётган маҳсулотларни сифатли ва рақобатбардош ҳолатда хорижий бозорларга олиб чиқиш борасида кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, сўнгги уч йилнинг ўзида катта ўзгаришлар қайд этилди. Жумладан, 250 минг гектар ер пахта ва ғалладан озиқ-овқат етиштиришга мослаштирилди, 160 минг гектар янги боғлар ва тоқзорлар барпо этилди,

1 миллиард долларлик 1500 та озиқ-овқат лойиҳаси амалга оширилди. Шу билан бирга, 100 минг тонна сақлаш, 70 минг тонна қуриштириш ва 46 минг тонна қадоқлаш инфратузилмаси ҳам яратилди.

Бироқ, таҳлиллар экспорт ҳажмидаги муваффақиятларга қарамадан, ҳудудий тенгсизлик ва потенциалдан тўлиқ фойдаланмаслик ҳолатлари ушбу йўналишда эришилиши лозим бўлган натижалар самарадорлигига салбий таъсир қилаётганини кўрсатмоқда.

Шу боис, Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 30 июль куни мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини кўпайтириш масалалари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ўтган давр мобайнида эришилган ютуқлар билан бирга камчиликлар таҳлил қилиниб, соҳа масъуллари ва ижрочилар олдида турган энг долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, йиғилишда Сурхондарё, Қорақалпоғистон ва Навоий каби ҳудудлар экспортда ортида қолаётгани, 21 та туманда экспорт ҳажми 70 фоизга ҳам етмагани, туманлардаги 80 минг гектар экин экиш ва 55 минг гектар томорқа ери эътиборсиз қолаётгани таъкидланди. Бу эса минглаб аҳоли бандлиги ва даромадида йўқотишларга ҳам сабаб бўлмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

АХБОРОТ ИҒВОСИ ОРТИДАГИ ТАҲДИДЛАР

Ахборот технологиялари тез суръатлар билан ривожланаётган бугунги даврда ҳар қандай хабар ёки маълумот миллионлаб одамларга сониялар ичида етиб бориши мумкин. Бу эса ахборот тарқатишда эркинликни таъминласа-да, шу билан бирга янги таҳдид – “дезинформация” (ёзма ёки визуал шаклдаги ёлғон, манипулятив ахборот) муаммосини юзага келтирди. “дезинформация” фақатгина шахсий фикрларга эмас, балки сиёсий қарорларга, жамоатчилик кайфиятига ва ҳатто инсон ҳаётига таъсир кўрсатиши мумкин.

“Дезинформация” нима ва у қандай тарқалади?

“Дезинформация” — бу нотўғри, ёлғон, текширилмаган ахборот бўлиб, у кўпинча ҳақиқатга ўхшаш тарзда тақдим этилади. У ижтимоий тармоқлар (Facebook, Telegram, Instagram), YouTube ва блоглар, оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, бюллетенлар) орқали тарқалган маълумотлардир.

(Давоми 3-саҳифада)



ХАЛҚ БИЛАН ҲАМКОРУ ҲАМНАФАС

(Боши 1-саҳифада)

Парламент комиссияси аъзолари, Жамоат фонди марказий ва ҳудудий бўлимлари вакиллари иборат ишчи гуруҳ жорий йилда республиканинг барча ҳудудларида ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни аниқлади. Ана шу асосда давлат гранти танловлари эълон қилинди.

Грант танловлари аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим ва тарбия, маданият, спорт, санитаргигиена, соғлом турмуш тарзи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, коррупцияга қарши кураш каби муҳим йўналишларни қамраб олди.

Олий Мажлис ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Наманган вилоят бўлими директори Дилмурод Неъматовнинг таъкидлашича, вилоят бўйича Жамоат фонди томонидан эълон қилинган 7 та танловга 32 та, ҳудудий бўлим томонидан эълон қилинган 4 та танловга эса 17 та лойиҳа тақдим этилган. Жами 49 та лойиҳадан 12 таси ғолиб деб топилди.

Грантлардан ташқари, 2025 йилда давлат ижтимоий буюртмалари асосида ҳам лойиҳаларни амалга ошириш механизмлари йўлга қўйилди. Буюртмалар турли соҳаларни қамраб олган. Соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маданий мерос, таълим, аҳолини муҳофаза қилиш, коррупцияга қарши кураш каби долзарб йўналишлардаги буюртмаларга тегишли ташкилотлар танлов эълон қилган. Хусусан, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан «Маҳалла фуқаро муҳофазаси» йўналишида танлов эълон қилинди. Бу танлов 788 та маҳаллада хавфсизликни кучайтиришга қаратилган.

Мазкур лойиҳа доирасида инсонпарварлик ёрдами учун захира яратиш, махсус асбоб-ускуналар харид қилиш ва зарур жиҳозлар базасини шакллантириш кўзда тутилган. Унинг молиявий ҳажми 800 миллион сўмни ташкил этади.

«Юксалиш» ҳаракатига ҳар йили жамоатчилик кенгашлари фаолият самарадорлигини баҳолаш ва унинг натижаларини ўз расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилиб бориш тавсия этилган.

— Президентимизнинг ушбу Фармони эълон қилинишини катта мамнуният билан кутиб олганмиз. Уни жойларда атрофлича ўрганиб чиқдик, — дейди Мингбулоқ тумани «Нуроний» жамғармаси раҳбари, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси Мақсуда Саидмуродова. — Фуқаролик жамияти институтлари зиммасига яна бир қатор вазифалар юклатилиб, имтиёзлар ҳам



берилдики, улар Янги Ўзбекистонимизнинг ҳар тарафлама тараққий этишида муҳим аҳамият касб этиши турган гап.

Қизил Ярим Ой жамияти Мингбулоқ тумани бўлими раҳбари, туман Кенгаши депутати Фарида Абдурахмонова шундай дейди:

— Фонд фаолиятини ташкил этиш тартиби ва унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Олий Мажлис палаталари томонидан белгиланадиган бўлди. Бухгалтерия соҳасида кўп йиллик тажрибага эга мутахассис сифатида айтишим мумкинки, 2024 йил 1 октябрдан 2027 йил 1 октябрга қадар Фонд маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмалари лойиҳалари доирасида тўланадиган айрим солиқ турлари бўйича белгиланган солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилиши аини муддао бўлди. Табиийки, бу омиллар ишда сифат ва самарадорлик ошувига хизмат қилади.

Ўтган давр мобайнида фармон ижроси бўйича қатор ибратли ишлар қилинаётганига гувоҳ бўляпмиз. Улардан бири журналистлар ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган «Олтин қалам» миллий мукофоти учун халқаро танловда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналишида номинация ташкил этиш тўғрисидаги таклиф рўёбидан беҳад мамнунмиз. Бу йилги касб байрамимизда илк бор мазкур йўналиш ғолиби бўлган журналистлар тақдирлангани фикримиз исботидир.

Яна бир эътиборга лойиқ амалий иш: танлов жараёнлари рақамлашган ҳолда ngo.gov.uz электрон платформасида амалга оширил-

ганидир. Ҳар бир лойиҳа онлайн баҳоланди ва барча натижалар очик тақдим этилди. Муқаддам ариза почта орқали юборилар, унинг етиб борган-бормаганлигидан кўпинча беҳабар қолардик. Ҳафталаб, ойлаб кутардик якунини. Эндиликда ўша кунгача қабул қилинаётгани қувонарлидир. Танловда шаффофлик янада кучайиши унда иштирок этувчиларнинг имкониятлари тагин ҳам кенгайишида муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг фонднинг «Коррупция – жамият тараққиётининг қушандасидир» шиори остида тарғибот ишларини олиб бориш йўналишида «Коррупция – тараққиётга таҳдид, умрга заволят» лойиҳаси билан қатнашиб, грант ғолиби бўлганлигимиз мисолида яққол кўриш мумкин.

Ғолибликка эришган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилоят бўлими, Ўзбекистон ногиронлар жамияти Янгиқўрғон туман бўлинмаси, Равидон, Ҳуррият, Бог ва Қирғизқўрғон фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Қалб меҳри» аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш нодавлат-нотижорат ташкилоти лойиҳа раҳбарларининг фикрлари ҳам ана шундай. Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди ва фонднинг Наманган вилояти бўлинмаси томонидан эълон қилинган давлат грантлари танлови ғолибларига сертификатлар топшириш бўйича ўтказилган тақдирот маросимида Жамоат фонди ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кўрсатилаётган катта эътибор учун Президентимизга миннатдорчилик туйғулари изҳор этилди.

Дарвоқе, таҳририят муқаддам «Давлат ижтимоий дастурларининг амалга оширилиши, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини мустақил ОАВда ёритишга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» йўналиши бўйича тайёрланган «Аждодлар жасорати — авлодларга мерос»,

«Жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва аҳоли соғлигини мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш» мавзусидаги «Аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВ ролини ошириш» номинацияси бўйича тайёрланган «Соғлом турмуш тарзи – бахтли яшамок фарзи» деб номланган лойиҳалар бўйича ҳам икки марта грантни қўлга киритган ҳамда уларни муваффақиятли амалга оширган. Навбатдаги грант лойиҳасини ҳам туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида тўлақонли бажариш учун барча имкониятлар ишга солиниши табиий.

Илгари ижтимоий тармоқларда Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондининг расмий канали бўларди. Бугунги кунда вилоятда нафақат бундай канал, балки грант танлови ғолиблари учун ҳам махсус телеграм гуруҳи фаолият юритмоқда. Бу орқали ўзаро тажриба ҳам алмашиб бораётгани, кўпчиликка маъқул келмоқда. Қолаверса, пойтахтдан туриб, соҳа раҳбар ва етук мутахассислари томонидан ғолиблар учун Zoom йиғилиши ўтказилгани барчамизга манфаатли бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, мазкур ҳужжат билан фуқаролик жамияти институтлари зиммасига яна бир қатор вазифалар юклатилиб, имтиёзлар ҳам берилдики, улар Янги Ўзбекистонимизнинг ҳар тарафлама тараққий этишида муҳим аҳамият касб этиши турган гап. Фармон фуқаролик жамияти институтларини тараққий эттириш, тизимни янада такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамият тараққиётига қўшадиган ҳиссасини янада кенгайтириш борасида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Қосимжон АКБАРОВ,
«Мингбулоқ» газетаси
муҳаррири, «Шухрат» медали
соҳиб, грант лойиҳаси раҳбари.

ЗАМОНАВИЙ АГРОМАЖМУАЛАР — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТНИ ОШИРИШ КАЛИТИ

(Боши 1-саҳифада)

Сир эмас, бугун жаҳон озиқ-овқат бозорида “Made in Uzbekistan” бренди тобора танилиб бормоқда. Бирок, айрим “чаққон” тадбиркорлар хом мевани экспортга чиқариб, мамлакатнинг ташқи бозордаги имиджига путур етказаётгани ачинарли ҳолатдир. Қолаверса, бу “Ўзбекистонда етиштирилган” брендининг келажагига таҳдид солади. Йиғилишда шу каби камчиликлар ҳам таҳлил қилиниб, қишлоқ хўжалигида самарадорлик ва экспортни ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Қолаверса, сўнгги йиллардаги геосиёсий вазият билан боғлиқ тебранишлар, албатта, озиқ-овқат хавфсизлиги учун ҳам етарли таҳдидлар пайдо қилмоқда. Бу жараёнда қуритилган мевалар, дуккакли маҳсулотлар ва табиий мева-сабзавотлар жаҳон бозорида юқори баҳоланмоқда. Аммо таҳлиллар шундан далолат берадики, маҳсулотларнинг 80 фоизи фақат 5 та давлатга экспорт қилинмоқда. Япония, Италия, Ҳиндистон, Қатар каби юксак тўлов қобилиятли бозорларда иштирокимиз етарли даражада

эмас. Бу ўз навбатида, элчихоналар ва савдо маслаҳатчиларининг фаолиятида мукамаллик етишмаётганидан далолат беради.

Шу боис, Давлат раҳбари томонидан элчиларга бозор топиш, қўрғазмалар ташкил қилиш, савдо уйлари ва логистика инфратузилмаси яратиш бўйича аниқ вазифалар юклатилди. Бу ташқи иқтисодий фаолиятда дипломатик хизматнинг ролини кучайтиришни талаб қилади.

Шу билан бирга, йиғилишда бир қатор илғор тажрибалар ҳам таъкидланди. Масалан, аввал 1 килограмм олча 30 центга ҳам сотилмаган. Илғор экспортчиларимиз бу йил 9 минг тонна “шок” усулида музлатилган олчани 26 миллион долларга экспорт қилган. Ўзимизда олча етишмагани учун импорт қилиб, музлатиб, реэкспорт қилишни ҳам бошлашган.

Шунингдек, Ўзбекистонда ҳар йили 450 миллион долларлик дуккакли экинлар (ловия, мош, тарик, нўхат) экспорт қилинади. Аммо ҳосилнинг 30 фоизи ишчи кучи етишмаслиги ва техника танқислиги сабабли исроф бўлмоқда.

Бунинг учун фермерларга техникаларни субсидиялаш, кредитлар учун имтиёзлар бериш тизими йўлга қўйилади.

Ҳозиргача 224 минг гектарда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган яхши самара берди. Бунинг натижасида 420 миллион кубметр сув иқтисод қилиниб, қўшимча 65 минг гектарда мева-сабзавот етиштириш имконияти яратилди. Бунинг учун ўтган йили 2,6 триллион сўм, жорий йил эса 1,2 триллион сўм сарфланди.

Жорий йил якунигача яна 10 минг гектарда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш йўлга қўйилиб, 200 минг гектар ер лазер ёрдамида текисланади. Бунинг учун 500 миллиард сўм маблағ ажратиш, келаси йил дастури учун эса 2 триллион сўм ресурс шакллантириш режалаштирилган.

Республика бўйича 16 та туманда “Агростар” компаниялари ташкил қилинди. Масъулларга “Агростар” компаниялари учун замонавий “ин-витро” лабораторияларини барпо этиш, 16 та туманда сақлаш, қадоклаш, саралаш ва қайта ишлашни ўз ичига олган биттадан замонавий



агромажмуани ишга тушириш топширилди.

Умуман олганда, йиғилишда белгиланган вазифалар нафақат экспорт салоҳиятини ошириш, балки умумий иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳам муҳим босқични ташкил этади. Бугун Ўзбекистон олдида турган асосий вазифа мавжуд салоҳиятни самарали бошқариб, замонавий қишлоқ хўжалиги асосида барқарор ва диверсификацияланган экспорт инфратузилмасини шакллантиришдан иборат. Бу борада биз халқ вакиллари бўлмиш парламент аъзоларининг ҳам фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Дилрабо ХОЛБОЕВА,
Қонунчилик палатасининг
Аграр ва сув хўжалиги
масалалари қўмитаси раиси
ўринбосари

АХБОРОТ ИФВОСИ ОРТИДАГИ ТАҲДИДЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Айниқса, Telegram ва Facebook каби энг оммавий платформаларда “дезинформация” тарқалиши осонлашди. Бу ерда контент кўп ҳолларда фактчекингсиз тарқатилади. “Дезинформация” тарқатувчиларнинг мақсади турлича бўлиши мумкин — жамоатчилик фикрини бошқариш, сиёсий рақибларга қарши пропаганда, паника ёки ишончсизлик уруғини сочиш, молиявий манфаат (реклама даромади) ва ҳоказолар.

Бунинг оқибатлари эса анча жиддий. Пандемия даврида COVID-19 ҳақидаги ёлғон маълумотлар айрим инсонларни вакцинадан бош тортишга, ҳатто ҳаётдан айрилишга олиб келди. Баъзида эса дезинформация миллатлар, динлар ўртасида қарама-қаршиликни кучайтирган вазиятлар ҳам тарихда кўп марта содир бўлган (2005 йилдаги Андижон, 1990 йилдаги Ўш, 1989 йилдаги Фарғона воқеалари). Бу воқеалар фақат миллий ёки диний зиддият эмас, балки ахборотни нотўғри тарқатиш, миш-мишларга ишониш ва давлат органлари томонидан ўз вақтида аниқ ахборот берилиши таъминланмаганининг ҳам оқибати эди.

Ахборотни текширишни ўргатувчи медиа саводхонлик дар-

слари, махсус фактчекинг платформаларини ривожлантириш (Factcheck.uz, Stopfake.org ва х.к.) ва ОАВ ва блогерлар учун журналистик масъулиятни ошириш орқали бу иллатга қарши курашиш мумкин. Давлат органлари расмий, очиқ ва ўз вақтида ахборот тақдим этиб бориши, жамият эса тарқатилаётган маълумотга танқидий ёндашишни, ҳамма ахборотларга ҳам ишонавермасликни ўрганиши зарур.

Мамлакатимизда ҳам охириги йилларда турли ижтимоий масалаларда “дезинформация” ҳолатлари кузатилди. Масалан, аксарият ҳудудларда электр энергияси ёки коммунал хизматлар тўғрисидаги нотўғри маълумотлар одамларни норозиликка ундаган. Баъзан эса янги қонунлар ҳақидаги хато талқинлар аҳолида хавотир уйғотган.

“Дезинформация” — бу замонавий жамият учун «инфоэпидемия» ҳисобланади. Унга қарши кураш — бу фақат давлат ва ОАВнинг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг ҳам масъулиятidir. Ҳақиқатни англаш учун маълумот манбаларини текшириш, расмий ахборотни кузатиб бориш ва ахборотни танқидий таҳлил қилиш кўникмалари асосий қуролларимиз бўлиши керак.

Ахборот хизматларининг “Дезинформация”га қарши курашдаги ўрни

Бугунги кунда ҳар бир давлат ва тижорат ташкилоти жамоатчилик билан очиқ мулоқотни таъминлаш, ишончли сақлаш ва дезинформация тарқалишининг олдини олиш учун профессионал Ахборот хизмати эга бўлиши талаб этилади. Чунки сукут ахборот бўшлиғини юзага келтиради, ахборот бўшлиғи эса “дезинформация” учун қулай муҳитдир.

Ахборот хизматлари очиқ ва тезкор ахборот бериш, ҳар қандай воқеа, ислохот ёки фаолият юзасидан биринчи бўлиб расмий ахборот чиқариш “дезинформация”нинг олдини олишда асосий усулдир. Расмий баёнотлар, фактлар ва рақамлар фуқароларнинг «миш-миш»ларга ишониш эҳтимолини камайтиради. Шунингдек, махсус медиа-мониторинг гуруҳларини шакллантириш орқали ҳам бу мақсадга эришиш мумкин.

Ахборот хизматлари фақат матбуот релизини чиқариш эмас, балки ижтимоий тармоқлардаги муҳокамаларни кузатиш, ёлғон ёки нотўғри маълумот тарқалса, уни текшириб, рад этиш функциясини ҳам бажариши, ОАВ билан ишончли муносабат ўрнатиши ва инфо-

оциқлик муҳитини яратиши керак. Бу орқали журналистлар мустақил манбаларга эмас, тўғридан тўғри расмий маълумотларга таяниб ёзади.

Блогер ва оммабоп контент яратувчиларга фактлар ва аниқ рақамларни тақдим этиш, уларнинг аудиториясида “дезинформация” тарқалишининг олдини олади.

Ахборот хизмати ташкилот ҳақида тарқалаётган ёлғон маълумотларга расмий рад этувчи баёнотлар чиқаради. Ахборот хизматлари фуқароларга ахборотни танқидий таҳлил қилишни ўргатиш мақсадида медиасаводхонлик бўйича инфографика, видеоролик ва семинарлар уюштириши ҳам мумкин.

Масалан, «фейкни қандай таниш мумкин?», «ишончли манбаларни қандай топиш керак?» каби контентлар орқали жамиятда ахборот тафаккурини шакллантириш лозим.

Ташкилотлар Ахборот хизматлари жамоатчилик ишончини шакллантирувчи ва ахборот хавфсизлигини таъминловчи муҳим механизмдир. Улар ўз фаолиятини янада фаол, тизимли ва тезкор ташкил этса, “дезинформация”га қарши курашда мамлакатимизнинг салоҳияти анча ортади.

Гулчехра БЕРДИЁРОВА,
журналист



ЭНГ ОҒИР ДАРД

ёхуд Шароф Рашидов қабулига келган олимни нега ҳайдаган эди?



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 15 июнида “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” деган мавзуда ўтказилган анжуманда сўзлаган нутқида шундай фикр-мулоҳазаларни ҳам билдирганди: “... Минг афсуски, зарарли диний оқимга кирган болани “Бу – қўшнинг боласи, бошқа бир қишлоқ ёки тумanning боласи”, деб лоқайд бўлаётганлар ҳам орамизда йўқ эмас.

Кимдир четга чиқиб, экстремистларга қўшилиб юрган бўлса, баъзи раҳбарлар, у Фарғонаданмас, Андижондан, Қашқадарёданмас, Самарқанддан, деб бепарво бўлмоқда. Аммо у Ўзбекистон фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси-ку!”

Одам одамдан нимаси билан фаркланади ўзи? Ким қаерда туғилгани ёки яшаётгани биланми? Унда нега барчамиз Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Амир Темур, Улугбек, Бобур сингари аждодларимиз билан бирдек фахрланамиз, улар қаерда туғилган экан деб ажратмаймиз?

Нега ҳозир ким қаерданлигига қараб қайишамиз? Одамнинг кимлиги, иззат-хурматга, ишончга муносиблиги унинг ҳалоллиги, билими, истеъдоди, қобилияти, салоҳиятига қараб баҳоланмайдими?

Аҳиллигимиз, бирлигимизга тўсқинлик қилаётган ушбу иллатлардан тагин кимлар манфаатдор? Бизни кўра олмайдиган кучлар, ютуқларимиздан юрагида санчиқ тураётганлар, бузук нияти тобора пучга чиқаётганидан жони талва-сага тушаётган аламзада нусхалар. Куч – бирликда, аҳилликда эканлиги, бирлашган ўзиб, бирлашмаган тўзиб кетишини улар яхши англайдилар. Эл бирлашмаса, тараққиёт бўлмайди, иқтисодий-ижтимоий танглик, жамиятдан норозилик пайдо бўлади. Ғаддор ғанимлар айнан ана шундан унумли тарзда фойдаланиб қолишига уринишларидан ўзингиз ҳам тузуккина боҳарсиз.

Шўролар даврида одамларимизнинг тинкасини роса қуритиб ташлаган иллат – буюк давлатчилик шовинизми билан маҳаллийчилик эди. Республика мустақиллиги эълон қилингач, гарчи “ташқи шовинизм” хавф-хатари ҳозир ҳам барча давлатлар учун маълум бир мавжуд бўлса-да, ҳозир асосий таҳдид “миллий либосга бурканиб олган” иллат – маҳаллийчиликда. Бунга қарши кураш ўта қийинлиги шундаки, баъзан айнан қаллоб, каззоб “ўғрини ушла!” деб бакиргани, ҳайкиргани сингари, миллий жиҳатдан чегараланиб қолган одамларнинг ўзлари гўё ушбу иллатга қарши курашаётган бўлиб кўринади.

Бу жиноят бўлиб, жиноятга ҳам ўхшамайди. Ўзи бору, ранги, қиёфаси, туси, ҳиди доим ҳам сезилавермайди. Аммо, оқибати ҳар қандай жиноятдан асло қолишмайди. Маҳаллийчилик – одам ажратиш, унинг таржимаи ҳолига, географиясига алоҳида эътибор қаратиш ҳамда ҳоказолар миллатни, шиллик кўрт сингари, ич-ичидан аста-секинлик билан емиради, кемиради. Унинг бутун вужудига тарқалади. Мазкур иллатдан, шоирлардан бири роса топиб ёзганидек, миллатнинг товон-товонига зиркирайди.

Қачонлардир, қаердадир ўқиган эдим. Бир куни Шароф Рашидов қабулига бир киши кириб, бошқа одамлардан минғирлаб шикоят бошлаган экан. Эмишки, у институтда фаолият кўрсатади, республика учун жудаям керакли иxtисос эгаси, аммо шаҳарлик оғаларнинг тинимсиз маҳаллийчилик қилавериши оқибатида уч йилдан буён хонадон (квартира) ололмаётган экан. “Илм-фанга шунчалик даражада зарур, ўта ноёб мутахассис бўлсам”, – дебди жиғи-бийрони чиқиб, пешонасини тириштириб, – бунинг устига ўзим айнан жиззахлик бўлсам!...”

– Нима? Жиззахлик?

Шароф Рашидов титраб кетибди ва ўша заҳотиёқ “жиззахлик нодир мутахассисни” қабулидан чиқариб юборибди...

– Сиз олим эмас, ашаддий иғвогарсиз. Бу даргоҳга, мен бор эканман, ҳеч қачон қадам қўйманг! – деган экан ўша ғаламиснинг ортидан...

Маҳаллийчилик деган иллатдан XX аср интиҳоси – XXI юз йиллик ибтидосида “ўлиб кетган” собиқ қизил салтанат ҳам ўта устамонлик билан фойдаланганлигини биласиз. Шўро ҳукумати метрополия сифатида ўз колониясидаги халқ бирлашишидан росаям чўчирди, кўрқарди, ваҳимага тушарди. Аҳолини имкон қадар бир-бирига қарши гиж-гижлаш, вилоятлар орасида маҳаллийчиликни кучайтириш “чора-тадбирлари” кўрилар эди.

Ўз ўтмишидан узиб ташланган, тарихий хотирасидан айрилган халқни тарқоқ ҳолатида ушлаб туриш, бири-бирига қайраш, гиж-гижлаш ўзлигини англаб қоли-

шидан чалғитиш эмасмиди? Ўзаро низо, келишмовчилик чигал тўрига ўралашиб қолган, бир-биридан ётсираган оломон ҳеч қачон ягона халқ бўлиб бирлаша олмаслиги, ягона миллат сифатида ғафлат уйқусидан уйғона олмаслигини улар жуда яхши англадилар, билардилар.

Вилоятларда кулоққа бот-бот чалиниб турадиган тагин бир савол бор: “Нега бизнинг қишлоқдан, ўзимизнинг уруғдан мансабдор чиқмайди, ҳоким тайинланмайди?” Шу саволга ёпишиб олиб, туппа-тузук фаолият кўрсатиб турган раҳбарнинг устидан турли идораларга ёзишдан асло чарчамайдиган, уялмайдиган, Худодан кўрқмайдиган нусхалар ҳам керагича топилади. Кўп ҳолларда бунақа “ёзувчи”ларни раҳбарликка даъвогар кимсаларнинг ўзлари китиклаб турардилар, уларнинг барча сарф-харажатларни ҳам кўтарардилар...

Маҳаллийчилик ҳақида гап кетганда кўпчиликнинг хаёлига лоп этиб, Тошкент қайғуси ёхуд маҳаллийчилик қобиғига ўралган пойтахтпарварлик келади. Бутун Республикадан одамлар азим Тошкентга у айнан Тошкент бўлганлиги учун эмас, балки пойтахт, бошкент бўлганлиги учун келардилар. Агар юртимизнинг пойтахти – Самарқанд, Жиззах, Қўқон ёки Бухорода бўлганида фуқаролар, шу жумладан, тошкентликларнинг ўзлари ҳам ўша ёққа ишлаш, фаолият кўрсатиш учун интилган бўлардилар. Демак, бу ўринда ҳеч қандай мақтаниш, кибрланишга эҳтиёж ҳам, зарурат ҳам мавжуд эмас.

Шаҳарликлар орасида турфа вилоятдан келиб, ўқиб, ишлаб юрганларга паст назар, менсимаслик, димоғдорлик билан қарайдиган кимсалар бугун ё кеча пайдо бўлиб қолгани йўқ. Пойтахтга келиб, ўқиб, ишлаб, “одам бўлиб”, шу ернинг нон-тузини еб, туб аҳолини хушламайдиганлар ҳам топилади. Шу билан бирга қишлоқдан кечagina келиб, икки-уч кунда “шаҳарлашиб” олгач, қолган инсонларга кўз қирини ташлагиси келмайдиганлар ҳам...

Тўғри, пойтахт йўлларида вилоятлар автомобилларига сабаб, бесабаб сигнал чалиш одати ҳозир ҳам бор. Қолаверса, охириги вақтларда “Тошкент хавоси ифлосланишига вилоятликлар айбдор”, “Тошкентга вилоятликларни виза билан киритиш керак”, “Иш бор, лекин вилоятликлар безовта қилмасин” каби ғалати “ташаббуслар”га

ҳам гувоҳ бўлганимизни қандай қилиб изоҳлаш мумкин. Албатта, ўз вақтида бу каби ноқонуний хатти-ҳаракатларга қонуний чоралар кўрилади.

Аслида ҳеч кимга сираям сир эмас, тан олайлик, маҳаллийчиликнинг чуқур илдиз отишига аслида ўзимиз ҳам сабабчимиз. Оддий мисол: кейинги пайтларда мамлакат бўйлаб саёҳат қилсангиз, ғалати ва ажабтовур манзарага кўзингиз тушади. Мазкур “тузалмас” иллат ҳатто миллий таомларимизгача ўз таъсирини ўтказмоқда. “Чирокчи жиз”, “Тошкент патир”, “Қўқон пашмак”, “Самарқанд зигир оши”, “Жиззах сомса”, “Ғиждувон кабоб”, “Ғузур тандир”, “Хоразм балик” ва ҳоказо... Рўйхатни ўзингиз бемалол давом эттира оласиз.

Ахир, Ўзбекистон деб аталган шу муқаддас замин барчамиз учун ягона Ватан-ку! Шу Ватаннинг хурлигидан, ҳар бир гиёҳидан тортиб, дарёлари, сойлари, тоғларию боғларидан, катта-кичик ютуқларидан ҳар биримиз баб-баравар фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак эмасми? Унинг оғриқлари ва ғам-ташвишларини ҳар биримиз дил-дил, қалбдан ҳис этишимиз, шаъни, обрўси учун бир жон, бир тан бўлволиб курашишимиз керак эмасми?

Бемор танасидаги дард, ярани дори-дармон ёки жарроҳлик йўли билан муолажа қилса бўлади. Аммо “... лик”, “... лик” хасталиги на микроскоп, на рентгенда кўринади. Бу иллат одамнинг руҳида, табиатида, онгида кунини кўради, тирикчилигина қилади, яшайди. Бузилган руҳни соғломлаштириш, онгни ўзгартириш беҳад мураккаб, узок давом этадиган жараён эканлигини ўзингиз ҳам биласиз, мазкур муаммо ҳақида керагича ўқигансиз. Бунга фақат маънавият, маърифат, ўзликни англаш, жисмонан, ақлан, руҳан... соғлом авлодни тарбиялаш, тайёрлаш воситасида эришиш мумкин.

Бу ёруғ оламда кимдир бошқалар билан ер талашади, уруғ талашади, кимдир пул, моддий бойлик талашади, кимларгадир мансаб талаш. Талаш-талаш дунё аро кимдир Ватан обрўси, миллат шаъни, қадри учун талашади, курашади. Миллатни бирликка чорлайди: Ватан ягонадир, Ватан биттадир, барчамиз бир юртнинг фарзандларимиз!

Бахтиёр ИСОҚОВ,

Наманган давлат университети доценти, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби.

Бугунги кунда сунъий интеллект (СИ) технологиялари нафақат ахборот соҳаси, балки таълим, тиббиёт, саноат, ҳуқуқ, санъат ва ҳатто ижодий фаолиятгача бўлган кенг жабҳаларда шиддат билан ривожланмоқда. Сунъий интеллект технологияларининг ривожини биздан янги қараш, янги билим ва ахборот саводхонлигини талаб этмоқда.



СИ матнларда қайтарилаётган иборалар 30%дан юқори бўлганлигини аниқлашга муваффақ бўлишган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, СИ ва инсон матни ўртасидаги фарқларни белгиловчи қатор илмий асосланган меъёрлар бор. Масалан,

– фикрлар ривожининг мантикий таҳлили – инсонга хос тарзда гаплар кўпинча ноодатий тарзда кетма-кет ўзгаради, чатбот эса бир текис, манатонда давом этади;

– диққатни тақсимлаш – инсон диққатни мавзу ичида ўтказиши, модель эса ҳаммасини нейтрал балансда тақдим этади;

– жанрга мослик – инсон матни

тилган матнларнинг инсон томонидан ёзилган матн шаклларига ўхшаш бўлиши, ахборотнинг ҳақиқий манбасини аниқлашни қийинлаштираётгани қайд этилмоқда. Бундай вазиятда фойдаланувчилар тажрибаси икки қарама-қарши тенденцияни акс эттирмоқда: бир томондан — ахборотни яратиш жараёни соддалашмоқда, ижодий имкониятлар кенгайяпти, СИ ёрдамчи восита сифатида хизмат қилмоқда; иккинчи томондан эса — интеллектуал мустақиллик, танқидий фикрлаш, нутқ ва муаллифлик ҳуқуқларига доир долзарб муаммолар юзага келмоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, СИ инсониятнинг энг илғор, энг инқилобий ютуқларидан биридир. Айниқса, тил моделлари соҳасида амалга оширилаётган технологик жараён инсониятнинг ахборотни қайта ишлаш, маълумот яратиш ва билим тарқатиш салоҳиятини тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада кенгайтирмоқда. Бугунги кунда СИ фақат ёрдамчи восита эмас, балки таҳлилчи, ёзувчи, ўқитувчи, муҳандис, таржимон ва ҳатто ижодкор сифатида турли соҳаларда самарали қўлланилмоқда. Бу жараён илм-фан, таълим, тиббиёт, ҳуқуқ, журналистика ва ижтимоий фанлар соҳаларида янги имконият эшикларини очмоқда. Бирок, ҳар қандай технологик тараққиёт инсонларнинг ички, табиий ва маданий қадриятлари билан уйғунлашгандагина ҳақиқий самара келтиради. Сунъий интеллект қанчалик ривожланмасин, инсонгагина хос хусусиятлари — креатив фикрлаш, танқидий таҳлил, интуиция, ҳиссиёт ва эҳтирослар алгоритмлар асосида яратиш бўлмайдиган, юксак маънавий ва когнитив қобилиятлардир. Бу қобилиятлар инсонни инсон қилиб турувчи маънавий устунликлардир. Шу маънода, СИни инсоннинг рақиби эмас, балки мўътадил ва оқилона бошқарилган ҳолда, унинг билим ва ижод имкониятларини кенгайтирувчи ақлли ёрдамчи сифатида қабул қилиш зарур. Инсоннинг фикрлаш ва ёзиш жараёнидаги табиий ноаниқлик, тасодифийлик, мантикий тўқнашув ва баҳо бериш қобилияти СИ моделлари томонидан тўлиқ тақлид қилиб бўлмайдиган жараёнлардир. Чунки сунъий интеллект — фақат техник восита эмас, балки инсон ахлоқи, нияти ва билим даражасига қараб фойда ёки зарар келтирувчи кучдир. Шу боис, ёшларимизни СИдан фойдаланишда интернет маданиятига, муаллифлик ҳуқуқига, плагиат масалаларига, шахсий маълумотлар ҳимоясига ҳамда ижтимоий адолат меъёрларига қатъий амал қилишга ўргатиш жуда муҳим. Ахборотдан оқилона фойдаланиш ва сунъий ёрдамчини масъулият билан бошқариш — келажак авлоднинг маънавий баркамоллиги учун зарур асослардан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, XXI асрнинг сунъий интеллект даврида инсон учун энг муҳим вазифа — технологик тараққиётдан фойдаланган ҳолда ўз инсонийлик қиёфасини йўқотмаслик, балки уни янада юксалтиришдир. Инсон ва сунъий интеллект ўртасидаги мувозанатли ҳамкорлик — келажак илм-фани ва маънавиятининг негизи бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ғуломжон НАЗАРОВ,
ТДИУ Ахборот хизмати раҳбари

лаштиришнинг натижаси бўлиб, реал тажриба ёки шахсий хотирага асосланмайди. Гарвард Кеннидй мактаби профессор Люк Бессер СИ томонидан яратилган контентлар орқали манипулятив таъсирни амалга ошириш мумкинлигини айтиб, ҳуқуқий ва этик ёндашувлар



нинг зарурлигини қайд этади.

Умуман олганда, ChatGPT ва унга ўхшаш моделлар LLM архитектурасига асосланган бўлиб, “кейинги токенни башорат қилиш” усули билан ишлайди. Модель инсон сингари семантик услубларга таянилмайди, балки такрорий маълумотларидан келиб чиққан ҳолда сўзларни кетма-кет жойлаштиришга ҳаракат қилади. Унинг “ақли” тўпланган маълумотларни қайта ишлаш қобилиятига асосланган. Таъкидлаганимиздек, бу тизимнинг узок муддатли хотира (long-term memory) йўқ. Турли матнларда бир хил шаблонлардан фойдаланиш эҳтимоли юқори. Берилган сўровга кўра, эҳтимолий асосда сўзлар, фикрлар ва матн кетма-кетлигини танлайди. Таниқли мутахассислардан бири, ЕТН Зурич университети профессор Юра Шелестов қуйидагича таърифлайди: “СИ матнлари маълумотга бой, лекин маънога “қашшоқ”. Инсон матни эса баъзан маълумотсиз, аммо маънога бой бўлиши мумкин.”

СИ ва инсон матнлари ўртасида фарқлаш қобилиятини аниқлаш мақсадида дунё бўйлаб қатор тадқиқотлар ўтказилган. Хусусан, 2023 йилда Стенфорд NLP лабораториясида 10 000 та СИ ва инсон матнлари асосида ўтказилган тадқиқотда 68% ҳолатда инсон СИ томонидан ёзилган матнни аниқлай олган, 32%да эса адашган. 2024 йилда OpenAI Research томонидан ўтказилган тадқиқотда кўра, GPT-4 ёрдамида яратилган матнларда 71% ҳолда грамматик аниқлик ва кетма-кетлик структураси сақланиб қолган. MIT CSAIL таҳлилларида эса инсон ёзган матнларда ҳиссиёт ва шахсий фикрларга асосланган қарашлар 3,5 баробар кўпроқ бўлганлигини кўришимиз мумкин. 2022 йилда Оксфорд Internet Institute томонидан ўтказилган изланишда 65%

кўпроқ ҳис-туйғу билан ёзилади, модель эса нейтрал ва стандарт;

– шахсий ёндашув ва тажриба – инсон ўз тажрибасини қўшади, модель эса умумий иборалар билан чегараланади;

– интуитивлик – инсон матни нотабириш бурилишлар билан тўла бўлади; моделда эса олдиндан “башорат” қилинган бўлади;

– ритм – инсон матни аралаш узунлик ва ритмга эга; модель эса барқарор тузилишга мойил;

– эмоционал динамика – инсон матни турли кайфиятларни акс эттиради; модель эса бир томонламали;

– синоним оралиғи ва тасвирий элементлар – инсон кўпинча ранг-баранг иборалар ишлатади, модель эса монотон иборалар;

– юмор, сарказм, провокация – инсон матнига хос уникал ёндашувлар; модель эса эҳтиёткорроқ;

– матн компиляциясининг ўзгарувчанлиги – инсон турли нукталардан вақти-вақти билан қайта ишлайди; модель эса ўзгармайди;

– ўзини танқидга очиқлик – инсон матнида ноаниқликлар кўринади, моделда эса бу йўқ;

– грамматика хатолари – инсон ёзиш тезлиги билан хатолар қилиши мумкин; модель эса грамматик жиҳатдан тўғри бўлишга интилади;

– риторика ва муаллифлик ҳисси – инсон ўз фикри билан қарши чиқади, модель эса нейтрал ва умумлаштиради.

Умуман олганда СИ технологияларининг оммавий ва тез суръатларда ҳаётимизга кириб келиши нафақат ахборотлар оқими, ўқитиш, адабиёт, журналистика ва ижтимоий коммуникация тизимларида ҳам янги ёндашув ва муаммоларни юзага келтираётганини кўришимиз мумкин. Айниқса, генератив СИ воситалари орқали яра-

Тиббиёт соҳасининг жонкуяри, тиббиёт фанлари номзоди, Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Сухроб Зайниев ўз касбининг билимдони, соҳа фидойиси. Сўнгги йилларда Самарқанд вилояти тиббиётида катта ўзгаришлар бўлаётгани, дунёнинг ривожланган давлатлари тиббиётидаги янгиликлар вилоят тиббиёт тизимларига кириб келаётганлиги, шифо муассасаларининг энг сўнгги ускуналар билан таъминланаётгани ушбу жонкуяр раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари ва меҳнатлари туфайлидир.

Касаллик эмас, ношуд шифокор хавфли

У киши билан ҳаёт чорраҳаларида тиббиётга оид муаммолар хусусида кўп бор суҳбатлашганмиз. Ҳар гал у кишининг одамларга меҳри баландлигини сезамиз. Янгиликларга интилиши, одамлар саломатлиги учун жонкуярлиги доимо сезилиб туради. Бугунги суҳбатимиз тиббиётнинг умумий қондаси, ҳар бир тиббиёт ходими амал қилиши лозим бўлган инсоний ва касбий фазилатлар ҳақида бўлди.

— Невроз, психопатия, психоз каби руҳий дунёси шикастланган беморларни даволаш шифокор учун қийин муаммолардан ҳисобланади, — дейди Сухроб Зайниев. — Ҳаёт нуқул ғалабадан иборат эмас. Мағлубият алами инсон руҳиятида салбий из қолдиради. Қачонлардир инсон руҳиятини зўриқтирган шароит ёки виждонини жароҳатлаган “ўқлар”ни топиш осон иш эмас, ахир. Онг остида онгсизликда ётган ўша “ўқ” қолдиқлари руҳий жароҳатлар (хотира касаллиги) ни пайдо қилиши мумкин. Касалликни эркинлиги тушовланган, букилган ҳаёт дейдилар. Беморга руҳий сокин шароит яратиб берган шифокоргина унга ёрдам бера олади. Беморларни даволаш учун шифокор психолог-руҳшунос бўлиши лозим. Унинг меҳрибонликка, ғамхўрликка тўла сўзи ва эътибори касаллик қиличидан ўткирроқ ва устун бўлиши керак. Шифокор бемор билан эркин, самимий муомала қилиши ва унинг ишончини қозониши катта аҳамиятга эга. Буюк аллома, тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино беморларни мусиқа, ёқимли кўшиқлар ва жозибали рақслар ёрдамида даволаган.

Инсоннинг онгсизлик фаолияти ҳар турли жараёнлардан — уйку, туш кўриш, ҳар хил галлюцинациялар, инстинктлар, ижод, интуиция ва бошқалардан иборат. Буларнинг баъзилари фаол, бошқалари суст ёки пинҳонийдир. Австриялик врач ва психолог Зигмунд Фрейднинг фикрича, ижод ва интуиция (кучли сезги) фаол онгсизликдир. Билиш жараёнида онглилик билан бирга онгсизлик ҳам иштирок этади. Шундай мисол келтиради. 27 яшар А.Игнатъевни Парижда чўян панжарали ҳовлиси бор уй илгари бир неча марта қурилгандай ҳайратга солади ва таниш туюлади. Россияга, уйига қайтгач, онасига айтса, у илк болалигида ота-онаси билан Францияга сафар қилганда шу уйда яшаган экан. У шу сафарни унутган, бироқ кўрган уйининг изи ми-ясида сақланиб қолган.

Айтишларича, буюк олим Д.Менделеев кимёвий моддалар даврий жадвалини, Ўзбекистон риёзиёт мактаби асосчиси ва ривожлантирувчиларидан бири академик Т.Жўраев ҳам бир неча математик масалаларини тушида кашф этган. Пушкиннинг айрим шеърлари тушида туғилган. Бундай мисоллар бисёр. Демак, ижоднинг келиб чиқиши (генезиси) онгнинг маҳсулоти бўлса-да, онгсизлик пайтида тўсатдан рўй беришини кўрсатади.

Илмий муаммоларнинг кўп ҳолларда тўсатдан ечимини топганлиги илоҳий турткидан эмасми асли? Немис файласуфи Э.Кант инсон ўз ақли, илм ўрганиши билан нари борса талантли бўлиши мумкин, ҳақиқий ижод ва илмий кашфиёт улуг инсонларга хос дейди. Фрейд

издошлари эса ижод (кашфиёт) тамомила инсоннинг онгсиз фаолиятига тегишли, деганлар.

Рухшунослик илмидан маълумки, ихтиёрий фаолиятмизни идора этувчи мия пўстлоғи ичида инстинктив, яъни ғайриихтиёрий фаолиятлар марказлари ҳам бор. Улар айнан ҳайвонларникига ўхшаб кетади. Оралик мияга мансуб таламус ва гипоталамус соғлом одамларда мия пўстлоғи томонидан назоратланади, тергалиб турилади, ўзбошимчалик қилишга йўл бермайди. Агар мия пўстлоғи бу функциядан жудо бўлса, инсон вужудидан тўнтариш юз беради, шахс сифатида инкирозга учрайди. Еб тўймайдиган, турли майллари авж олган, қаҳр-ғазабини боса олмайдиган кимсага айланади.

Шифокорлар беморнинг касаллик ташхисини аниқлашда интуиция ва инстинкт деган нарсани борми-йўқми, деб кўп баҳслашадилар. Баъзилар инстинкт ва интуиция туғма деб ҳисоблайдилар. Диагностика (ташхис) асосини анализ ва синтез ташкил этади. Инстинкт фаолияти асосини шартсиз рефлекслар тизими бўлган ҳулқ-атворнинг туғма шакли ташкил қилади. Инстинкт билан интуиция ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Интуицияни илоҳий қобилият ва амалиётдан ажралган, мантиққа тўғри келмайдиган билиш шакли, деб қараш илмий томондан нотўғридир. Тажрибали, билимдон врач айрим вақтларда тўғри ташхисга бамисоли тўсатдан келгандай бўлади. Бундай фикрлаш жараёни интуиция деб

қабул қилинган. Бу жараёнда вақт жиҳатдан тезкор ҳал қилиш содир бўлади. Унда илгари тўпланган тажрибадан фойдаланиш англамасдан ечилади.

Тиббиёт соҳасидаги кўп йиллик тажрибамдан маълум бўляптики, диагностика бўйича моҳир шифокорлар асосан бой тажрибали, табиий ақлли, ўз устида тинмай ишлайдиган, чуқур салоҳиятли ҳам-касбларим орасида кўпроқ учрайди. Институтни битириб, диплом боқади деб ўйлаб, кўлига китоб олмай, зиёиликни халққа ўргатиш ўрнига ҳавойи эҳтиёжлар кетидан қувиб кетганлар интуиция билан касалликни тўғри аниқлаганликларини деярли кўрмадим. Касалликдан эмас, шундай шифокорлардан кўпроқ сақланиш керак, дейди поляк шифокори Тадеуш Келановски.

Инсон руҳиятини азоблаётган дард-кайғу, изтироблар ёки беҳад қувончлар пайтида, масалан, шеър яхши чиқиши ижодкорларга маълум, албатта. Чунки дил дарди ва қувончи онгсизликдаги кўп ҳислатларни юзага чиқаради. Шундай ўйларга ҳам бораман, севиладан ва севган Нодира ва Зулфиялар ўзбек халқининг ифтихори, фаҳри, аёлларнинг мезони даражасига эришганлигида қисман бўлса-да, шахсий ҳаётларидаги йўқотишлар, хижронлар сабаб бўлмадимикан?

Инсон онгсиз фаолиятининг руҳий ҳолатларидан бири бу туш кўришдир. Туш кўриш воситасидан ёзувчиларимиз Абдулла Қодирӣ, Пиримқул Қодиров, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов ва бошқалар ўз ижодларида моҳирона фойдаланишган. Имом Ғаззолийнинг таърифлашича, “Рух инсондаги идрок қилувчи ва билувчи латифликдир”. Шифокорлар эса ҳар бир касалликда руҳий бузилиш жараёни юз беришини унутмаган ҳолда, аввало, ташхисни тўғри қўйиб, беморларга яхши муомала қилиб, ўзларининг барча имкониятларидан фойдаланиб даволашлари даркор.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
журналист

ТАМҒА

Инсоннинг қандай яшаши, ким бўлиши, аввало, ўзига боғлиқ. Интилса, ўқиса, изланса яхши инсон бўлади. Энг муҳими, ҳалол меҳнат қилиб ҳаёт кечириши керак. Бундайлар ҳурматга лойиқ кўрилади, кези келганда ибрат қилиб кўрсатилади.

Афсуски, орамизда меҳнатдан қочиб, ўзгаларни чув тушириш пайида юрганлар учраб турибди. Ундайлар назардан қолади, ачинарлиси, қинғир иши оқибатида фарзандлар тарбиясиз, боқувчисиз қолади. С.С. муқаддам бир неча бор фирибгарлик жиноятини содир этганлиги учун хавфли рецидивист, деб топилган.

С.С. ўтган йил 11 ноябрь куни таниши П.О. ни алдайди.

— Танишим Қорақамиш ва Яккасаройдаги



“пайнет”да иш бошқарувчилигини билардим, — деди судланувчи С.С. суддаги кўрсатмасида. — Пули борлигига ишониб у кишига телефон қилдим. Ўзимнинг шахсий эҳтиёжим ҳамда танишлардан олган қарзни тўлаш учун пул зарурлигини айтдим. У киши эртага олдимга кел, деди. 11 ноябрь куни айтилган манзилга МЧ-Жга тегишли бир кунга ижарага олинган “Ласетти” автомашинасида бордим. Кечгача қай-

тариб бериш шарти билан П.О. дан 7 миллион сўм олдим...

Буюғига жабрланувчининг сўзларини келтирсак.

— С.С. ни танийман, — деди суддаги кўрсатмасида жабрланувчи. — Ўша куни мендан пулни олгач, гаров сифатида “Ласетти”нинг калитини бериб кетди. Кечгача кутдим, телефон қилсам ўчирилган. Кейин билсам у ташлаб кетган машина бир кунга ижарага олинган бўлиб, бир компанияга тегишли экан. Олган пулни тўлади. Даъвоим йўқ...

Суд С.С. нинг ишини атрофлича кўриб чиқиб, унга иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 3 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тайинлади.

Шундай қилиб, С.С. яна судланди. Уни билган ва таниганлар энди ўзларини олиб қочишлари тайин. Хавфли рецидивист, деган қора тамға уни ҳамиша таъкиб қилади. Бунга ўзи сабабчи.

Баходир ҚАЮМОВ,
жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг судьяси

СЕНСОР ТАРБИЯ



Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялашда ҳамда уларда «туйғу, сезги, идрок, сезиш» каби қобилиятларини шакллантиришда сенсор тарбия муҳим ўрин тутди. Сенсор тарбияси теварак-атрофдаги борлиқни билиш сезги ва идрокка асосланади.

Демак, бола тасаввурининг асосини бевосита сезиш оркали идрок қилиш мумкин. Бундай тасаввурларнинг аниқлиги, тўлаллиги сенсор жараёнларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Мактабгача тарбия ёшидаги ва кичик мактаб ёшидаги болалар ақлий билимининг 9/10 қисмини сезиш оркали идрок этилган таассуротлар ташкил этади. Сезги ва идрок қанчалик бой булса, инсоннинг атрофдаги олам хақидаги тасаввурлари шунчалик кенг боълади.

Болаларнинг сенсор маданияти, унда сезги ва идрокнинг муваффақияти учун муҳим шарт-шароит ҳисобланади. Айниқса мактабгача ёш даври сенсор жараёнларни ривожлантириш даври саналади.

Болаларни ҳар томонлама ҳам ақлий ҳам жисмоний ривожланишига уларнинг онги, ақли ва хиссий туйғуларини шаклланишига ижобий таъсир қўрсатади. Шу боис ҳозирги кунда барча мактабгача тарбия муассасаларида ушбу методлардан кенг қўлланишга эришилмоқда. Бунинг учун, барча тарбиячилар мазкур методлардан кенг қўллаш мақсадида ҳар бир гуруҳ хоналарида алоҳида бурчаклар ташкил этилган.

Сенсор тарбия қобилиятларини ривожлантириш учун болалар буюмнинг фақат нимага ишлатилишини номинигина билиши етарли бўлиб қолмай, балки улар буюмларни чуқурроқ идрок этиши, уларни ушлаш, улар билан муомалада бўлганда хилма-хил сезгилар иштирок этиши ҳам жуда муҳимдир,

деб билади. Шунинг учун сенсор тарбиянинг ана шу томонларига алоҳида эътибор бериш лозим. Тарбиячи болаларга бирор топшириқ берганида, масалан; буюмларни бир жойдан иккинчи жойга олиб қуйишда уларнинг оғирлигини ҳис қилиш, буюмни қўлга олиб унинг сиртини сезиш ва сифатини силлиқ ёки ғадир-будирлигини, иссиқ ёки совуқлигини аниқлаши керак.

Болаларнинг ёши улғайиб, ҳаёт тажрибалари ортиши, шароитларнинг ўзгариши билан идрок этиш жараёни ва унга қўйиладиган талаб ҳам мураккаблашади.

Самарали фаолият (расм чизиш, лой ва пластилиндан буюмлар ясаш) сезги ва идрокнинг ривожланиши учун қулай шароит яратиш билан бирга буюмнинг шаклини, рангини, жойини билиб олишга эҳтиёж пайдо қилади. Мактабгача тарбия муассасаларида болалар бутун йил давомида табиат билан таништириб борилади. Уларга ўсимликлар, қушлар, ҳайвонларни парвариш қилиш топширилади. Бу эса ер, қуёш иссиқлигининг хусусиятларини билиб олиш учун катта имкониятлар яратади.

Болалар кўпроқ табиат билан алоқада бўлишлари туфайли таассуротлари, эшитиб таъсирланиши хусусиятлари ортиб боради. Болаларни қушларнинг сайраши, барглarning шитирлаши, шамолнинг гувиллаши, ёмғирнинг шатирлаши ва момақалдиروқнинг гумбурлашини диққат билан тинглашга ўргатиш зарур.

**Озода МАХАМАДЖАНОВА,
Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани
351-сонли ДМТТ тарбиячиси**

МУАССИСЛАР:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Савдо-саноат
палатаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати — Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-710
Адади: 1600
Пайшанба кuni чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.
Баҳоси келишилган нарҳда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

«HUDUDGAZTA'MINOT» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорлари диққатига!

“Hududgazta'minot” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2025 йил 28 август кuni ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 10:00да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 98-уйда жойлашган “Hududgazta'minot” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 09:45 бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси сони ва таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 7 февралдаги баённомасига асосан Жамиятнинг янги таҳрирда қабул қилинган Уставини тасдиқлаш.
4. Жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 30 майдаги баённомасига асосан Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 30 майдаги баённомасига асосан кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш.

Навбатдан ташқари умумий йиғилишда акциядорларни хабардор қилиш учун реестр 2025 йил 6 август, йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри эса 22 август ҳолатида шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорлар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Hududgazta'minot” акциядорлик жамияти маъмурий биносидан танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:
Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 98-уй.
Жамиятнинг расмий веб-сайти: hududgaz.uz
Электрон почта: info@hududgaz.uz
korporativ@hududgaz.uz
тел.:(71) 281-16-85 (316)

Олий таълимдаги ўқув адабиётлари: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР



Ўзбекистондаги олий таълим тизимидаги туб ислохотлар ва миллий тараққиёт истиқболлари бевосита сифатли ўқув адабиётларининг мавжудлиги ва доимий янгиланишига бевосита боғлиқдир. Ўқув адабиётлари — бу на фақат талабалар ва ўқитувчилар учун назарий билим манбаи, балки илмий салоҳият, инновация, академик эркинлик, ахлоқий тарбия ва интеллектуал тараққиёт пойдеворидир. Бугунги кунда Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларидаги ўқув адабиётларининг аҳоли бир қатор объектив ва субъектив сабаблар туфайли мураккаб ва кўп қиррали муаммога айланган.

Бу муаммонинг илдизлари тарихий анъаналар, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, халқаро таълим майдонидаги глобал рақобат, мамлакатимизда янги авлодни тарбиялаш вазифалари ва давлат сиёсатидаги устувор йўналишлар билан узвий боғлиқ.

Бугунги кунда Республикада жами 213 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, шундан 116 таси давлат, 67 таси нодавлат, 30 таси эса хорижий олий таълим муассасаси ҳисобланади. 2016 йилгача уларнинг сони 77 та эди. Ҳозирда 213 та олийгоҳда 1 млн 300 минг нафардан ошиқ талаба таҳсил олмоқда,

Сўнгги йилларда олий таълим тизимида сифат жиҳатидан улкан ўзгаришлар кузатилди: янги университетлар, филиаллар, янги бакалаврият ва магистратура йўналишлари, жадал кредит-модул тизимида ўтиш, таълим жараёни рақамлаштириш ва халқаро грантлар, академик мобилликни кенгайтиришга қаратилган давлат дастурлари қабул қилинди. Бироқ, таълим жараёнининг асосий элементи бўлган ўқув адабиётлари соҳасида бир вақтнинг ўзида бир нечта муаммолар ўзига хос зиддиятли ҳолатни юзага келтирмоқда. Яъни, янги йўналишлар ва талаблар пайдо бўлган сари, замонавий ва миллий руҳдаги адабиётларга эҳтиёж ҳам ошмоқда, лекин амалий ҳолатда эса хануз кўплаб йўналиш ва фанлар бўйича етарли даражада сифатли адабиётлар йўқ.

Олий таълим муассасалари учун адабиётлар танлови, тақриз ва аккредитация жараёнида ҳам қатор тўсиқлар бор. Кўпинча бир фан ёки мутахассислик бўйича фақат битта ёки иккита расмий дарслик мавжуд, улар ҳам анча йиллар аввал нашр қилинган, ҳаётдаги ва фаннинг замонавий ютуқларини акс эттирмайди. Масалан, ахборот технологиялари, молия ва халқаро

иқтисод, биоинженерия, экологик менежмент, глобал тараққиёт ёки фан-таълим интеграцияси йўналишларида ўқув адабиётларини топиш айрим университетларда талабалар ва ўқитувчилар учун катта муаммо ҳисобланади. Кўплаб ўқув фанлари бўйича ҳозирча энг катта эҳтиёж — янги, илмий жиҳатдан тўлиқ қайта ишланган ва халқаро стандартларга мос дарсликлардир.

Бугунги кундаги талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг асосий қийинчилиги шундаки, миллий таълим моделининг талабларига жавоб берадиган, миллий тафаккур ва инновацион ёндашувни қамраб олган, ҳар бир фан бўйича замонавий тарзда нашр қилинган адабиётларнинг етарли эмаслиги яққол кўринмоқда.

Иқтисодий ва ижтимоий сабаблар ҳам бу муаммони чуқурлаштирмоқда. Бугунги кунда ўқув адабиётларининг нархи айрим талабалар учун юқори ҳисобланади, кутубхона фондлари етарли даражада эмас, айрим йўналишлар бўйича адабиётлар мутлақо топилмайди. Рақамлаштириш ва электрон платформалар асосида ишлайдиган университетлар сони ортиб бормоқда, аммо, бу жараёнда сифатли электрон китоблар ва мультимедия ресурслари базасини яратишда ҳам сезиларли тўсиқлар бор. Масалан, электрон китоблар онлайн базасини ишлаб чиқиш, уларни халқаро лицензия ва авторлик ҳуқуқи асосида тарқатиш ва талабаларга эркин киришни таъминлаш муҳим масалалар. Айрим фанлар бўйича эса, электрон китоблар мутлақо мавжуд эмас ёки уларни тақдим этишда турли платформалар ва техник тўсиқлар юзага келади.

Таълим адабиётларини яратишда илмий-методик талаблар, профессор-ўқитувчиларнинг замонавий илмий даражаси, уларнинг илғор халқаро тажрибага бўлган муно-

сабати, инновацион фикрлаш, академик эркинлик ва илмий муомала маданияти муҳим ўрин тутди. Аслида эса, кўплаб фанлар бўйича муаллифлар ханузгача эски услуб, тузилиш, мазмун ва таърифларга асосланган ҳолда, янги таълим йўналишлари ва инновацион тадқиқотларни ҳисобга олмаган ҳолда дарслик тайёрлашда давом этмоқда. Бунда фанни қайта ислоҳ қилишга интилиш, янги мавзулар, илмий ва амалий ғоялар, тадқиқот ва таҳлил натижаларини кенг жорий этишга интилиш кўзга ташланмайди.

Республикадаги ОТМларда ўқув адабиётларининг электрон шакллари, онлайн платформалар ва рақамлаштириш жараёнида ҳам жиддий муаммолар бор. Бугунги кунда фақат айрим университетларда электрон кутубхона, миллий онлайн платформа, электрон китобларни яратиш ва уларни лицензия асосида тарқатиш тизими жорий қилинган. Айрим университетлар ўз платформаларини очган, аммо бунда фанлар қамрови чекланган, электрон адабиётларнинг сифатли нашр этилиши ва тез-тез янгиланиб боришига катта эътибор қаратилмаяпти.

Дарсликлар ва ўқув адабиётлари яратишдаги яна бир жиддий тўсиқ — илмий кадрлар ва муаллифлар салоҳияти, уларни рағбатлантириш, фанлар бўйича жамоавий тадқиқот ва инновацияларга давлат кўмаги, халқаро ҳамкорлик ва мустақил экспертлар иштироки етарли эмас. Муаллифларнинг аксарияти кўшимча моддий имтиёз ёки грантларга эга бўлмайди, уларнинг муаллифлик ҳуқуқи тўлиқ ҳимоя қилинмаган. Бундай вазиятда янги авлод дарсликларни яратишда илмий-методик ва амалий фаоллик пасайиб боради.

Кўплаб мамлакатларда таълимнинг устувор йўналиши сифатида фанлар бўйича адабиётларни мустақил равишда танлаш эркинлиги мавжуд. Яъни, ўқитувчи ёки кафедра ҳар бир фан бўйича халқаро нашрлар, миллий муаллифлар, электрон платформалардаги адабиётлардан эркин фойдаланиши мумкин. Ўзбекистонда эса, кўпинча ўқув дастурларида битта-иккита тасдиқланган адабиёт ёки методик қўлланма кўрсатилади, талабалар эса бевосита шу манбадан фойдаланишга мажбур бўлади. Бу эса таълимда академик эркинлик ва танлов имкониятларини чеклайди, фан мундарижасини янада тор доирага тортади, талабаларни мустақил изланишдан йироқлаштиради.

Миллий адабиётлар ва дарсликлар фақат академик ва назарий би-

лим манбаи эмас, балки ёшларнинг ахлоқий, интеллектуал, ижтимоий салоҳиятини, инновация ва танқидий фикрлаш қобилиятини шакллантирадиган пойдевор сифатида қаралиши керак. Адабиётларда миллий ғоя, замонавий тараққиёт, илмий ишонч, маданият ва ахлоқ уйғунлиги таъминланса, мамлакатимизда интеллектуал салоҳият ва илмий тараққиёт янги поғонага кўтарилади.

Миллий ўқув адабиётлари тизимидаги ислохотлар, янги авлод дарслик ва қўлланмалар яратиш учун қуйидаги амалий чора-тадбирлар тавсия этилади:

1. Ҳар бир фан бўйича муаллифлар гуруҳини шакллантириш ва илмий-методик марказлар орқали тизимли ишлаш;

2. Электрон китоблар ва мультимедия контентлар базасини яратиш, уларни барча талабалар ва ўқитувчилар учун очиқ қилиш;

3. Дарслик ва ўқув қўлланмаларни лицензиялаш, муаллифларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини кучайтириш;

4. Таржималарда миллий фан услубини ва онгини сақлаш учун фан мутахассисларини жалб этиш ва халқаро фан терминологиясини тўғри татбиқ этиш;

5. Адабиётларни тақриз ва рецензиядан ўтказиш тизимини мустақиллаштириш, плагиатга қарши курашиш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш;

6. Кутубхона ва электрон платформа инфратузилмасини ривожлантириш;

7. Фанлар интеграцияси, мустақил изланиш, тадқиқот ва инновация натижаларини адабиётларга жорий қилиш;

8. Адабиётлар мундарижасига миллий ғоя, ахлоқ, фан ва инновация уйғунлигини таъминлаш.

Мазкур таклиф ва амалий чоралар орқали Ўзбекистон олий таълим муассасаларидаги ўқув адабиётларининг ҳолати, сифати ва мазмуни нафақат миллий, балки халқаро талаблар ва истиқболларга тўла жавоб берадиган даражага кўтарилиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, келажак авлоднинг интеллектуал ва касбий салоҳияти, миллий тараққиёт ва инновацияли жамият пойдеворини мустаҳкамлайди.

Б. ҚОДИРОВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти бўлим
бошлиғи